ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАФЕДРА: ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ, ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА 7 - КУРС ТАЛАБАСИ

АКИНОВ ДАВРОННИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

ИЛМИЙ РАҲБАР: **МИРЗАЕВА Н.А.**

ТОШКЕНТ-2010

Тош ПТИ Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш, педагогика ва психология кафедраси
«Касбий таълим» йўналиши 7- курс талабаси Акинов Давроннинг
«Педагогик жараёнда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш» мавзусидаги битирув малакавий ишига

АННОТАЦИЯ

Мавзунинг долзарблиги. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов истиқлолнинг бошланғич давридаёқ собиқ тоталитар мафкурадан соқит бўлиш, маънавий ҳаётда содир бўлиши муқаррар мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик, янгича онг ва тафаккур соҳиби бўлган эркин ШАХС шаклланишига алоҳида эътибор қаратди. Пировард натижада «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Баркамол авлод йили» давлат дастури таълим соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг мақсади, вазифалари ва йўналишларини белгилаб берди.

Мантиқий фикрлашга ўргатиш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида баён этилган юқори умумий ва касбий маданиятли, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда ўз ўрнини топа олиш малакасига эга бўлган, истиқболий вазифаларни қўйиш ва ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантириш вазифасини ҳал қилишга ҳам тўла-тўкис мос келади ва шу билан унинг **долзарблиги** белгиланади.

Малакавий битирув ишимизнинг **мақсади** педагогик жараёнда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш йўлларни кўрсатиш бўлса, **вазифаси** эса педагогик жараён, янги педагогик технологиялар асослари, педагогик жараёнда янги педагогик технологияларни қўлланиш усулларини илмий адабиётларни назарий таҳлил қилиш орқали ёритишдан иборат.

Амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишидаги маълумотлардан педагогика, педагогик технология фанларидан ўқув машғулотларини ўтишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Малакавий битирув иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатида 17 та манба, 39 бетли матн, 2 та жадвал ва 2 та расмдан иборат.

Хулоса. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ, айниқса, сўнгги йилларда маънавият ва маърифат масалалари ва таълим тизимини такомиллаштириб, уни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш бўйича ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим орқали ҳар томонлама ривожланган шахс – фуқоранинг ташкил топишини кўзда тутмоқда.

Талабалар ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳар бир ўқув машғулотларида мавзу мазмунига мос тренинг, янги педагогик технологияларга асосланган машғулотларини ташкиллаштириш яхши

самара беради. Чунки ривожлантириш хусусиятига эга бўлган, тўғри лойиҳалаштирилган тренинг ва ўқув машғулотлари ақлий фаолиятнинг ривожланишини тезлаштиради.

Илмий раҳбар: Мирзаева Н.А.

Талаба: Акинов Д.